



4.550.000

Тонна таъйёр!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИЛ ЧИКИШИ | № 227 (4686). | 17 ноябрь, 1972 йил | ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советида


ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИНИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун социалистик мусобақада эришган катта муваффақиятлари ва 1972 йилда давлатга 400 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни муддатидан ilgари бажарганликлари учун Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил байроғи Тошкент областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Асомов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ортиқ-

хўжаев, совхозлар трестининг директори ўртоқ Аракеян, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Отаматов, «Ўзселихотехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ Киселев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Исҳоқов) берилсин ва доимий сақлаш учун шу областда қўйилсин.

400.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ВАТАНГА!



МАЖБУРИЯТ БА ЖАРИЛДИ

Тошкент областининг пахтакорлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ССР Иттифоқи юбилейи шарафига социалистик мусобақани кенг қўлоқ ёйдириб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илгорларининг қурултойида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини барвақт, 16 ноябрда бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 400 минг тонна пахта топширилди.

Область эришган муваффақиятга Оққўрғон, Бекобод районларининг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл районларининг хўжаликлари гектар бошига 30 центнердан, ундан ҳам кўп пахта териб олдилар. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхоз, Оққўрғон районидаги «Москва» колхоз, эса гектар бошига 40 центнердан ва ундан юқори ҳосил кўтарди. Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхоз, Свердлов номли колхоз, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхоз, Янгийўл районидаги «Қизил октябрь» колхоз, ҳосилдорлигини 36—39 центнерга етказдилар.

Область механизаторлари терим машиналарининг бункерларидан 250 минг тоннадан зиёд пахта тўкиб, катта муваффақиятга эришди.

лар. Бу мажбур топширилган жами пахтанинг 63 процентини ташкил этди. Улар ҳар бир машинада 75 тоннадан пахта териб олдилар.

Машина терими даражаси Оққўрғон районининг хўжаликларида 75 процентгача, Урта Чирчиқ районининг хўжаликларида 65 процентгача, Пискент ва Юқори Чирчиқ районларининг хўжаликларида 64 процентгача этди.

Машина теримининг усталари бўлимиш механик-ҳайдовчилардан Турсуной Охунова, Сервер Усейнов, Сервер Шаҳбазов ва бошқа кўпгина механизаторлар юқори унумга эришдилар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари, партия ва ҳукуматнинг зўр ғамхўрлиги ва жуда катта ёрдами тўғрисида шундайлик эришди.

Тошкент область қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг ўртоқ Л. И. Брежнев иш-тироқида ўтказилган йилги қарорини бажара бориб, қолган ҳосилни батамом териб олиш, барча қушги-қийинчи талбирларни ўз вақтида ўтказиш ва шу билан келаси йил мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун қўрашмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИНИ ҚАШҚАДАР ОБЛАСТИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССР ташкил топишнинг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун социалистик мусобақада эришган катта муваффақиятлари ва давлатга 341 минг тонна ён халқ хўжалик планда кўзда тутилган 80 минг тонна кўп пахта топширилганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил байроғи Қашқадарь областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ Ғойибов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сирожиддинов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Тошқулов, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Қўзиёев, «Ўзселихотехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ Рижков, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ражабов) берилсин ва доимий сақлаш учун шу областда қўйилсин.

ҚАШҚАДАР ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Қашқадарь областининг деҳқонлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун ҳозирлик қилиб, фидокорона меҳнат қилиб, илгор агротехникани қўллаб, шу йилги ноқулай об-ҳаво шароитларини енгиб, пахта теримини юксак ушшоқлик билан ўтказдилар ва пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини республикада биринчи бўлиб, 14 октябрда бажардилар. Ватан 341 минг тонна — халқ хўжалик планда кўзда тутилган 80 минг тонна кўп ва ўтган йилги етиштирилгандан 90 минг тонна ортиқ «қўқ» олди. 45,3 минг тонна ён халқ хўжалик планининг 122,7 проценти миқдорда энг қимматли нингича толали пахта топширилди.

Механизаторлар фидокорона меҳнат қилдилар. Пахта терим машиналаридан 100 минг тонна пахта терилди. Ҳосилни машина терим ишчиларидан унумдорлигига эришди. Х. Ҳо-қўймоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистон илмий-техника жамиятлари тўртинчи съездининг қатнашчиларини ва улар орадан илмий-техника жамиятларининг халқий аъзолари бўлган олислар, инженерлар, техниклар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва ишлаб чиқариш-новаторларининг 93 минг кишилик отрядини қизғин таъинлайди.

Илмий-техника жамиятларининг съезди совет халқи КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда бажариб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олишга ҳозирлик қўраётган ажойиб даврга ўтмоқда.

Ўзбекистон илмий-техника жамиятлари коммунизмининг моддий техника базасини яратиш учун совет халқи олиб бораётган курашда актив қатнашмоқдалар, Ватан фани ва техникасини ривожлантиришга, фан-тех-

ника тараққиётини жадаллаштиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Фан-техника жамиятларидаги техника тараққиётининг янгилаб юқируларни янги техника ва технологияни жорий этишга, ишлаб чиқариш жараёнини меҳанизациялаш ва автоматлаштиришга, меҳнатини ва бошқарилган илмий ташкил этишга актив қўшқашмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини ошириш резервларини қидириб топишмоқдалар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан халқнинг хўрмат ва муҳаббатини қозондилар.

Ҳозирги фан-техника революцияси шароитида олимларнинг, инженер-техник зиёлиларнинг ва ишлаб чиқариш новаторларининг роли янада кўпроқ ортади.

Бизнинг социалистик тузумимиз инсоннинг

ижодий қобилиятларини намоён қилиш учун ҳамма имкониятларни очиб берди, миллион-миллион кишиларга ер юзидан бахт-содат ва тинчлик йўлида олижаноб бунёдкорлик завоқ-шавқини бахш этди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қомил ишонч билан айтдики, илмий-техника жамиятлари фан-техника тараққиётининг юксак суръатлари учун янада кўп билан қўрашадилар, фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг ижодий ҳамдўстлигини ривожлантирадилар, олимлар, инженерлар, новатор ишчиларнинг куч ва ғайратларини КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик топширилган муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Олимлар, инженерлар, агрономлар ижодий ишларини билан шуғулланган ҳамма кишилар 16 ноябрда Тошкентда Ўзбекистон илмий-техника жамиятлари IV съезидига тўп-ландилар.

Делегатлар ва меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездида, таърихномасининг қизғин қутуб олдилар. Таърихномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимови ўқиб берди.

Республика илмий-техника жамиятлари кенгаши раисининг ўринбосари М. Г. Цифель 18 та тармоқ жамиятларининг техника тараққиётини учун беш йил мобайнида олиб бorgan кураш ишлари тўғрисида ҳисобот берди.

Съездда илмий-техника жамиятлари Ўзбекистон республика кенгаши сайланди.

